



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган E-mail: info@xs.uz 2008 йил 4 июль, № 131 (4541) Жума

БОЛА ҚУВОНЧИДАН ОЛАМ МУНАВВАР

Ёзнинг иссиқ кунларида табиат қўйнида, баҳаво жойларда ҳордиқ чиқаришнинг гашти ўзгача. Шунинг учун бўлса керак, болажонлар, айнақса, бу фаслни интиқлик билан кутадилар. Фарзандларимизнинг дарслардан бўшаб, таътилни оромгоҳлар бағрида яйраб ўтказишлари учун эса барча шарт-шароит яратилган.

Эъзоз

Мамлакатимизнинг турли гушаларида жойлашган бундай оромгоҳлар бағри айни пайтда ўқувчиларнинг шодон қийқириқлари билан янада файзга бурканган. Жойларда мавсумга қўрилган пухта тайёргарлик дилбандларимизнинг таътилни мароқли ўтказишларига хизмат қилаётир.



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

(Давоми 4-бетда).

2008 йил 10 декабрда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганига 60 йил тўлади. Яқинлашиб келаётган ушбу муҳим санадан роп-роса бир йил илгари, яъни 2007 йил 10 декабрда БМТ Бош котиби Пан Ги Мун ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Луиза Арбур жорий йил мобайнида бу байрам муносабати билан ўтказилажак кампания бошланганини эълон қилган эди.

ЎЗБЕКИСТОН — ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БОРАСИДАГИ ЕТАКЧИ ДОНОР-ДАВЛАТЛАР САФИДА

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг «Инсон қадриятининг ва адолат барчамиз учун» деган бош шiori остида БМТ Бош котиби ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси раҳбарлигида БМТ тизимидаги бошқа агентликлар, шунингдек, маҳаллий ва халқаро ҳамкорлар иштирокида ўтказилаётган мазкур тадбир доирасида

комиссари ташаббусига ижобий ён-даришгани учун ҳуқуқимизга миннатдорлик билдирилади. Олий комиссар ўз мактубида 2008 йилнинг биринчи ярмида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси юбилейини нишонлаш борасидаги халқаро кампанияга жаҳоннинг 21 давлати ихтиёрий бадал ажратганини хабар қилади.

Эътироф

Л. Арбурнинг қайд қилинишига, жо-қабул қилинган 60 йиллигининг биргалликда нишонлаш тўғрисида маълум қилинган. Ушбу муносабатни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2008 йил 1 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганига 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Бу муҳим воқеа муносабати билан эътибор юртимизнинг Женевадаги БМТ тузилмалари ва халқаро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхонасига БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Луиза Арбур хоним томонидан йўлланган мактуб келди. Унда БМТ Бош котиби ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий

«Жаҳон» АА. Женева шаҳри

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИНИНГ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ ҚЎШМА ҚАРОРИ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚўЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Мустақил нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг мамлакатда демократик ўзгаришларни амалга оширишда ва жамиятни эркинлаштиришда фаол иштирок этишига қўллаб-қувватлаш, уларни молиялаштириш манбаларини шакллантириш учун мустақил тизим ва объектив шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИЛАР:

1. Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида

нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди (бундан буён матнда Фонд деб юритилади), шунингдек, Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тузиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки: Фонд ва Парламент комиссияси «Жамоат фонди» тўғрисидаги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси қонунлари мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилотларини (ННТ) ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан

ажратилган маблағлар тақсимланганини ташкил этиш, ННТни моддий, молиявий қўллаб-қувватлаш дастурларини шакллантириш ҳамда амалга ошириш мақсадида тузилади; Фонд маблағлари бевосита ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига уларнинг талабномалари асосида ва Парламент комиссиясининг қарорлари мувофиқ субсидиялар, грантлар, ижтимоий буортма тарзида ажратилади; Парламент комиссиясининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Адлия ва Молия вазирликларининг тегишли тузилмалари, республика ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари орасидан раис, унинг ўринбосари, масъул котиб ва комиссия аъзоларидан иборат таркибда шакллантирилади.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизга таширф буюрган Покистон Ислам Республикаси Куролли Кучлари Штаб бошлиқлари бирлашган кўмитаси раиси Тарик Махид 3 июль кунини Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Руслан Мирзаев билан учрашди.

МУДОФАА ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги ҳамкорлик қўллаб-қувватлаш ҳарбий ва ҳарбий-техникавий йўналишларда ҳам илчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, Президент Ислам Каримовнинг 2006 йил май ойида Покистонга, Покистон Президентини Парвез Мушаррафини 2005 йил март ойида Ўзбекистонга таширфлари икки томонлама ҳамкорликни замон талаблари ва миллий манфаатларга мос тарзда янада ривожлантириш учун муносабат ҳуқуқий асос яратди.

Ўзбекистон ва Покистон терроризмга, экстремизмга, наркотик моддалар контрабандаси ва бошқа таҳдидларга қарши биргалликда курашиш борасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Президент Ислам Каримовнинг Покистонга таширфи асосида икки мамлакат ўртасида халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳуқуқатларро битимни кўча киритиш учун ратификация ёрликларини алмашиш тўғрисидаги протокол имзоланган.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида хуқуқий мудофаа қилиш идоралари фаолияти устидан жамоат назоратини такомиллаштиришга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

ЖАМОАТ НАЗОРАТИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

Унда Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 1 май кунини имзоланган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганига 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга оид масалалар атрофида муҳожама этилди.

«СамНегин» Ўзбекистон-Эрон қўшма корхонасида, бир неча йилдирки, гилам ва палос маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

«СамНегин» гиламлари

Ўтган ойда корхонада буюртма бўйича 200 миллион сўмлик сифатли маҳсулот тайёрланди.

Яқинда 500 минг доллар маблағ эвазига замонавий гилам тўқиш дастгоҳлари харид қилингани корхона имкониятларини анча кенгайтирди ва иш ўринларини кўпайтирди.

Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Завод қуввати ошди

Жорий йилдан эътиборан Қўнғирот сода заводи тўла қувват билан ишлаб бошлади.

Қарий 1250 киши меҳнат қилаётган жамоада кунига 300 тонна кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқарилади. Маҳсулот сифати ҳамда арзонлиги истеъмолчилар эътиборини қондираётти. Яқин кунлар ичида корхона ўз маҳсулотларини мамлакатимизнинг барча ҳудудларига етказишни режалаштирган.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Янги ўқув йилига тухфа

Бу галги «Билимлар қўни» эса янги парта, стол-стул, замонавий меболар билан тўлган синфхоналарда нишонланди бўлиши.

Мазкур хизмат таълим соҳасидаги янгиликларни изчил қўллаётган илганувчан мураббийлар жамоасининг лойиҳаси Япония ҳукумати грантига лойиҳа топилгани эвазига берилган 80 минг АҚШ доллар миқдоридаги маблағ эвазига келтирилди. Дўст мамлакат гранти икки ярим миң ўқувчи таълим олаётган илм даргоҳи имкониятларини кенгайтириб, ўқув ва ўқитиш ишларини янада юқори савияга кўтаришда қўл келиши табиий.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БУНЁДКОР ТАЛАБАЛАР АҲДИ

2008 йил — Ёшлар йили

Шу кунларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати қатор вазирлик, ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда ажойиб гоғни амалга оширмоқда. Унга қўра, Ёзги таътилда талабаларнинг бўш вақтини фойдаланиш мақсадида жалб этиш мақсадида барча олий таълим муассасаларида «Бунёдкор» талабалар меҳнат отрядлари ташкил этилди.

Мазкур отрядлар ёшларга юртимиз бўйлаб амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида фаол қатнашиш, ўз мутахассислиги бўйича маълум кўникмаларга эга бўлиш, янги дўстлар орттириш ва энг муҳими, таътил пайти қўшма маблағ топшиш имконини беради.

Меҳнат отрядларига қўнғилли тарзда жалб этилган талабалар ўз мутахассисликлари алоқадор соҳалар, хусусан, қурилиш, об-

донулаштириш, таъмирлаш, маънавий хизмат кўрсатиш, археологик қазинишлар ҳамда кишлоқ хўжалиги соҳаларига жалб этилади.

Шу муносабат билан «Ёшлик» талабалар шаҳарасида Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат техника университети, Тошкент Автомобиль йўллари ҳамда Тошкент Темир йўллар муҳандислари институтлари талабаларидан иборат меҳнат отрядларини иш жойига қўзғатиш мақсадида ўтказилди. Энди улар пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига хисса қўшилади.

Қувонарликки, талабалар иш ҳажми ва кўламини қараб, иш бериувчилар томонидан энг кам иш ҳақининг 2 бараваридан 10 бараварингача бўлган миқдорда маош, шунингдек, турар жой

ли ташкиллаштириш мақсадида маънавий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ва маданий дам олиш тадбирлари уюштирилади.

Омонулло ФАЙЗНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Кишилар раҳбарнинг қабулига кўпроқ катта-кичик муаммолар билан келишади. Ўқиниб бира вақтни ўтказиб бўлмайди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи

Инсон саломатлиги энг катта бойлик. Мамлакатимизда бу қадри нозим муҳофаз қилиш борасида энг илтимос тўғрисида ҳаққонлик билан айтиш керак. Шундан кўра, ҳар бир фуқарога тани соғлиқ, деб атаймиш бебаҳо хазина қатъий муҳофазда эканлигига ишончи кучайтирмоқда.

Тиббиёт

кардиология шарафига нодир юрак жароҳлиги амалиётлари ҳам баҳарилмоқда. Шифокорларнинг изланиши ва интилишлари билан боғлиқ бу сингари ўзгаришларни республика акушерлик ва гинекология илмий тадқиқот институтининг виллоятдаги филиали, урология маркази, қатор ихтисослашган шифоналарда ҳам кузатиш мумкин.

ИСЛОҲОТ, ИМКОНИЯТ, ИМТИЁЗ

Муҳаммадҷон Вақосов қабулига кирган Иброҳимҷон ота кўзларида қувонч ёшлари билан саломлашиш учун узатган кўзларини ушлаганча, шундай дейди: — Нанайин биласизми, Қирғизистоннинг чегарасида, уша жойда яшаймиш. Ун икки ёшли неварамнинг қорни тўтовсиз оғир азоб беравергач, қишлоқдаги дўхтир опани чақиртирдик, текшириб кўриб, кўричакча чалинганини айтди. Узи келган «Дамас»га ўтказиб, виллоят марказига жўнади. «Энди бола бояқини операцияга ётқизиб, қоринни кесишар экан-да», дея барчамиз хавотирга тушгандик. Беҳуда ташвишланган эканмиш. Айтишларича, кўричакча кўричакча тиг теккизмасдан қандайдир наҷалар ёрдамида олиб ташлашибди. Эртасигаёқ қишлоққа олиб қайтдик. Сизга айтсам, бу янгликка қойил қолдим. Бизнинг давримизда кўричакдан фориғ бўлиш қандай муаммо бўлган, ўзингиз яхши биласиз. Бир юлғимни ёзиб кетай деб шаҳарга тушгандим, фурсатини қилиб, олимиш раҳматини билдириш учун кирдим. Кечаги кун билан бугуннинг

ИМТИЁЗ

Тизимдаги бирламчи бўғин — қишлоқ врачлик пунктларида эътибор доимо кун тартибда. «Саломатлик — 2» ва «Аёллар ва болалар соғлигини муҳофаз қилиш» қўшма лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ташкил этилган виллоят бюросида мазкур муассасалар фаолиятини ташкил этиш, уларнинг моддий-техник имкониятларини муҳофаз қилиш юзасидан изчил иш олиб бормоқда. Хусусан, сўнгги пайларда юқоридаги лойиҳалар асосида ҚВЛПга 66 турда бир миллион 35 миллион сўмликдан зиёд ускуна ва жиҳозлар келтирилди. Бу ўз навбатида, ушбу шифоналарда фаолият кўрсатаётган умумий амалиёт врачларининг имкониятини кенгайтиряпти. Улар кўлаб касалликларга малакали ташхис қўйиб, даволаш баробарида

тутилган. Мазкур марказ биносини мукамил таъмирлаш ишлари ҳам тезкорлик билан олиб борилаётди.

Барча соҳалар қатори тиббиёт ҳам доимо тараққиётда. Айниқса, муҳтарам Юртбошимизнинг 2007 йил 19 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш» Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишнинг тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори аҳоли соғлигини муҳофаз қилишни янада яхшилашнинг муҳим стратегик йўналишларини белгилаб берди. Мазкур ҳужжатларга асосан шифо марказлари молиявий негизини муҳофаз қилиш, зарур асбоб-ускуналар билан таъминлашни янада яхшилаш, юқори технологияда ишловчи шифокорлар малакасини мутасил ошириш борасида долзарб вазифалар белгиланган. Ушбу давр ичида мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш юзасидан виллоятда ҳам қатор ташкилий ишлар амалга оширилди. Шунга қўра, туман тиббиёт бирлашмалари, виллоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, виллоят болалар кўп тармоқли тиббиёт, виллоят диагностика марказларини ташкил этиш учун энг сўнгги ишлар баҳарилмоқда.

Айтиш мумкинки, юртимизда амалга оширилган энг илтимосий сиёсат натижасида Наманган виллоятда ҳам тиббиёт фаолиятини янада яхшилашга мўлжалланган. Лойиҳаларнинг биринчи босқичи август ойида низоҳасига етказилди. Бундан ташқари, Наманган шаҳрида Фаргона водийси аҳолисига хизмат кўрсатадиган кардиохирургия марказини муштаракликнинг 17 йиллигига ишга тушириш учун ҳаракат қилинмоқда. Марказни Австрия давлати кредитлари ҳисобига энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш кўзда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Хитой Тараққиёт банки ва Корея Эксимбанкнинг кредит йўналишларини жалб этган ҳолда шу мамлакатларнинг замонавий технологиялари ва ускуналарини сотиб олиш учун кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурини амалга оширмоқда.

Хитой Тараққиёт банкнинг кредит йўналиши:

- банк томонидан импорт контрактларини молиялаш — 100 минг АҚШ долларидан 1 млн. АҚШ долларигача (импорт контракти қийматининг 85%гача);
- кредит муддати — 9 йилгача, жумладан, 2 йиллик имтиёзли давр;
- ўзига тегишли маблағлар иштироки — лойиҳа қийматининг камида 25%.

Корея Эксимбанкнинг кредит йўналиши:

- банк томонидан импорт контрактларини молиялаш — индивидуал асосда (импорт контракти қийматининг 85%гача);
- кредит муддати — 2 йилдан 5 йилгача;
- ўзига тегишли маблағлар иштироки — лойиҳа қийматининг камида 25%.

МИЛЛИЙ БАНК — БИЗНЕСИНГИЗ ГУЛЛАБ-ЯШНАШИ УЧУН СИЗ БИЛАН БИРГА!

Қўшимча маълумот олиш учун 235-38-52, 235-17-02 рақамли телефонлар орқали Кичик бизнес бош бошқармасига ёки Миллий банкнинг исталган бўлими/филиалига мурожаат қилинг.
www.nbu.com

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

2008-2009 ўқув йили учун бакалавриатуранинг қуйидаги таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича қабул эълон қилади:

БАКАЛАВРИАТ:

- касб таълими (ижтимоий-иқтисодий соҳа);
- иқтисодиёт (тармоқлар бўйича);
- молия;
- банк иши;
- бухгалтерия ҳисоби ва аудит;
- сугурта иши;
- газначилик иши;
- туризм операторлик хизматларини ташкиллаштириш;
- туризм менежменти;
- туризм маркетинги;
- сервис (аҳоли ва туристларни оқватлантиришни ташкил этиш);
- сервис (туризм ва меҳмонхона хўжалиги бўйича);
- сервис (сифат экспертизаси, хизмат кўрсатиш ва ишлар сертификацияси);
- сервис техникаси ва технологияси (хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича).

Қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

- институт ректори номига ариза;
- умумий ўрта (11-синф негизда) ёки ўрта махсус, касб-ҳунар маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
- 3,5x4,5 см ҳажмдаги олти дона фотосурат;
- 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома;
- танловдан ташқари ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўлган халқаро ва республика олимпиадалари, танловлар ва мусобақалар галиблари асл нусхадаги тасдиқловчи ҳужжатларни топширилади;
- паспорт ва ҳарбий хизматга тегишли ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Абитуриентларнинг ҳужжатлари қабул комиссияси томонидан 2008 йил 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади. Тест синовлари 1 август кунини ўтказилади.

МАГИСТРАТУРА:

- тармоқлар иқтисодиёти (тармоқлар ва соҳалар бўйича);
- молия, пул муомаласи ва кредит;
- аудит (тармоқлар бўйича);
- лизинг ва баҳолаш хизматлари маркетинги.

Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. СМҲИЙ қабул комиссияси. Телефонлар: 233-38-72, 233-28-38.

Матбаачилик ривожланаёпти

Урганлик тадбиркор Фарход Ибодуллоев виллоятда биринчилардан бўлиб матбаачилик ишини йўлга қўйди. Банктан олган 30 млн. сўмлик кредит ҳисобига корхона энг замонавий асбоб-ускуналар, дастгоҳлар билан жиҳозлади.

Корхона буюртмаларни арзон нархда ва ўз вақтида бажариши билан оғизга тушди. Эндиликда бу ерда 15 номдаги газета, турли иш бланкалари, буклетлар, таклифномалар ва бошқа тур маҳсулотлари чоп этиляпти. Туманларда унинг буюртмалар қабул қилиш пунктлари ҳам очилди.

Исмомил ОЛЛАБЕРГАНОВ, журналист.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҲАКАМЛИК СУДИ

ТЕЗКОР! ТЕЖАМКОР! МАЛАКАЛИ! ИШОНЧЛИ!

- хўжалик низоларининг тез ҳал қилиниши (низонинг бир инстанцияда жуда қисқа муддатларда кўриб чиқилиши);
- муҳокаманинг камчиқимлилиги (низони ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган тарафларнинг кам чиқимлари);
- судьяларнинг касб маҳорати (энг тажрибали, маҳоратли шахслар ичидан судьяни сайлаш тарафлар томонидан амалга оширилади);
- мобиллик (низони Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудда кўриб чиқиш имконияти);
- Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг узил-кесиллиги (давлат судига Ҳакамлик суди ҳал қилув қарори мазмуни устидан шикоят қилиш мумкин эмас);
- Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан қафолланган тартибда мажбурий ижро этиш (давлат судларининг қарорлари ижро этилиши ўрнатилган тартибда).

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Ҳакамлик суди
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 6-уй.
Телефон: (+998-71) 239-43-29. Факс: (+998-71) 232-09-03.
web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ «КЧМ»

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ. СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%

Преимущества чугунных котлов:

- наибольший срок службы среди других типов котлов
- конструкция, проверенная годами
- проработанная производственная технология
- несложное обслуживание и уход
- низкие требования к дымовой тяге
- широкий мощный ряд
- универсальность (возможность работы на разных видах топлива)
- более высокое рабочее давление
- высокий КПД, недоступный для других котлов

КАФЕЛЬ (облицовочный и напольный)
САНТЕХНИКА (унитазы, умывальники в большом ассортименте)
ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ

Тел.: 333-71-55, факс: 281-52-04
Торговый магазин, ул. Уста Ширин, 125, внутри строительного рынка № 127

Завод ТЕМЗ изготавливает и реализует:

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

Теперь и в ЛИЗИНГ

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

АВТОКРАНЫ:

- максимальная грузоподъемность 8 т
- максимальная длина стрелы — 30 м (с кареткой)
- максимальная высота подъема гор. — 41,5 м, наклонно — 57,5 м

КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ

- максимальная грузоподъемность — 14 т
- максимальная высота подъема — 14,5 м

КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ

- максимальная грузоподъемность — 16 т
- максимальная высота подъема — 22 м

КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ

- максимальная грузоподъемность — 25 т
- максимальная высота подъема — 29 м (с гуськом)

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66.
E-mail: toemz@sarkor.uz www.temz-kran.uz

Ташкилот МАШИЙ ТЕХНИКАЛАРНИ

LG GORENJE INDESIT FERETTE DAEWOO

БУЁҚЛАР, ЦЕМЕНТ, РУБЕРОИД, КАРБИД, ШИФЕР, ЭЛЕКТРОДАРНИ

нақд ва пул ўтказиш йўли билан тақлиф этади.

Тел.: 177-29-23, 273-25-67, 273-37-01.
Махсулотлар сертификатланган
Факс: 273-97-00.

Ўзбекистон-Россия «Транстуркистон» қўшма корхонаси жамоаси бош бухгалтер ўринбосари Дилоромхон АБДУХОЛИҚОВАНИНГ вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

МАДАНИЯТ

хабарлари



Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўرғазмалар залида "Вақт ва инсон" деб номланган шахсий кўрғазма очилди. Азиза Маматова ижодида бағишланган мазкур намоёнида мусаввирнинг портрет жанрида яратилган элликтдан зиёд асарлари муҳлислар эътиборига ҳавола этилмоқда.

ВАҚТ ВА ИНСОН ФАЛСАФАСИ

Расом асарлари юртимиздаги қатор нуфузли санъат даргоҳларида сақланади. Қолаверса, унинг "Чулпон", "Абу Али ибн Сино", "Нодирабегим", "Шоҳ Бобур" сингари тарихий картиналари АҚШ, Англия, Мўғулистон, Россия мамлакатларидаги санъат галереяларида жой олган.

қадриятлар, эзгулик фалсафаси, инсон омилига ҳос улғулик хислатларини тараннум этади. Айниқса, унинг "Она", "Қамолдин Бехзод", "Бибиқоним", "Саховат", "Абдулла Қодирий", "Рўзи Чориев" каби асарлари киши қалбига қомилликка интилиш ҳиссини уйғотиши билан ахамиятлидир. Эътиборлиси, бу асарларда кўпроқ сариқ ва тўқ кўкимтир ранглар кўзга ташланса-да, уларга боқиб, кўнгил маъзун тортмайди. Аксинча, бу суратлар тасвирида киши қалбдан кўтаринкилик, руҳан юксалиш томон юз тутаяди, кўнгилда эзгу ғоялар турғилади.



— Илк бор кўлимга мўйқалам ушлаганимга ҳам эллик йилдан ошибди, — дейди А.Маматова. — Утган вақт мўйқалам асарларини орқали инсон, унинг умр йўли ва тақдирини, одамларнинг ҳаётга бўлган муносабати, орзу-ўйлари ҳақида сўз очим қолаверди. Негаки, табиатнинг энг буюк мўжизаси ҳам инсоннинг ўзидир. Унинг нигоҳларида беихлоқ кўп маъно муҳассам. Шу боис, ижодимда ҳаёт фалсафасини нигоҳлар орқали акс эттириш услуби устун.

Узбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Азиза Маматова Қамолдин Бехзод номидаги Миллий расомлик ва дизайн институтида ёшларга тасвирий санъат сирларидан сабоқ бериб келмоқда. Устоз ўттиз олти йиллик меҳнат фаолияти давомида кўплаб истеъдод соҳибларини қамолга етказди. Бугун ҳам унинг устозонасидан шоғирдлар, иқтидорли ёш мусаввирлар қадами аримайди. Зеро, санъатга ихлосманд йигит-қизлар устозлари эришган ижодий марралар сари шижоат ила интилишмоқда...

Муборак ОХУНОВА. Мухоммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.

«Мафтункор ранглар жилоси»

Андижонда «Мафтункор ранглар жилоси» деб номланган кўрик-танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда ногирон болалар ўртасида ўтказилган танловнинг шаҳар, туманлар босқичи ғолиблари иштирок этишди. Булоқбошилик Зухриддин Мўйдинов ҳамда балиқчилик Ёдгорой Мақсудовлар эркин мавзуда чизган расмлари билан танлов ғолиби бўлдилар. Энди улар мазкур танловнинг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қиладилар.

О. ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БОЛА ҚУВОНЧИДАН ОЛАМ МУНАВВАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

катта улуш қўшиди. Масалан, "Тошкентгазтаъминоти" унитар корхонаси Бўстонлик туманининг Хўжақент қишлоғидаги 210 ўринли "Зангори олов" оромгоҳини рисоладагидек созлашга ўз ҳисобидан 111 миллион сўм харқлади. "Тошкентпах-тасанот" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси эса шу ердаги 300 болага мўлжалланган "Келажак" оромгоҳини таъмирлаш учун 95 миллион сўм ажратди. "Ўзметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Олмалик кон-металлургия комбинати", "Ўзбеккўмир", "Аммофос", "Ўзбекиммемаш" очик акциядорлик жамиятлари, "Максам Чирчиқ" кўшама корхонаси ҳам фарзандларимиз қувончига қувонч қўшиш йўлида ҳеч нарсани аямдилар. Ўзларига қарашли "Металлург", "Қоинот", "Чимён", "Хумо", "Кимёгар" сингари йирик дам олиш ва соғломлаштириш даргоҳларини ҳар томонлама тайёр холга келтирдилар.



Темур ҚУРБОНБОВ олган сурат.

— Бизнинг масканда ёз бўйи уч навбатда 660 ўқувчи дам олиши кўзда тутилган, — дейди Ангрэн шахрига туташ Дукент қишлоғидаги "Йўлчи" оромгоҳи директори Фазлидин Холисов. — Шунга қўра, Янгибод йўллардан мунтазам фойдаланиш бошқармаси

ҳамма шароитни яратиб берди. Шу боис ҳозир бу ерда вилоятимизнинг турли шаҳар-қишлоқлари ва Оролбўйдан келган болалар яйраб хордиқ чиқаришяпти.

Дарвоқе, жорий йилги мавсумда вилоятда мавжуд оромгоҳларга жами 24620 ўқувчини жалб этиш режалаштирилган. Шундан 11670 нафари тоғлар оғушидаги, қолганлари мактаб ва коллежлар қошидаги мусасаларда саломатлигини мус-

таҳкамлайди. Бунинг учун корхоналар, иқтимоий суғурта, қасаба уюшмалари, ҳокимликлар, "Маҳалла" хайрия жамғармаси бўлимлари ҳамда ота-оналар ҳисобидан қарийб 1,2 миллиард сўмлик маблағ ажратилди. Ўз навбатида, Ёшлар йили муносабати билан Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларидан, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган ҳамда серфарзанд

оилаларга мансуб коллеж ўқувчиларидан 770 нафарининг бе-пул дам олиши таъминланди. — Мавсумга тайёргарлик жараёнида, — дейди вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашган Кенгагининг бўлим мудирини Эътибор Раҳмонова, — масаланинг ташкилий жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Оромгоҳларга махсус курсларда малака оширган ташкилотчилар, бош етакчилар, тарбиячилар,

муסיқа ҳамда жисмоний тарбия ўқитувчилари, тўғараклар раҳбарлари ва шифокорлар бириктирилди. Купубхона, футбол, баскетбол, волейбол, теннис майдончалари, сузиш бассейни, дастлабки тез тиббий ёрдам шохобчалари ташкил этилиб, санитария-гигиена ва ҳавфсизлик хизматлари йўлга қўйилди. Бундан ташқари, спорт мусобақалари, турли мавзуларда учрашувлар, адабий-бадий кечалар ўтказиш, тарихий-маданий ёдгорликларни, Мустақиллик иншоотларини зиёрат қилиш, табиат қўйнига саёҳатлар уюштириш чоралари кўрилди. Бу тараддулар нечоғли самара берганини баҳолаш мақсадида мавсум бошланши арафасида тоғли Хондайлик қишлоғидаги "Хумо" оромгоҳида масъуллар иштирокида маслаҳат-ўқув кенгаши ўтказилди.

Албатта, фарзандларимиз соғлиғи ва таълим-тарбияси йўлидаги эзгу саз-ҳаракатлар зое кетмади. Бугунги кунда келажакимиз ворислари соя-салқин ва баҳаво масканларда таътил гаштини сурмоқдалар. Янги дўстлар орттириб, табиат гўзалликларини баҳраманд бўлмоқдалар.

Абдунаби ХАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

2008 йил Ёшлар йили

Пойтахтимизда синхрон сузиш бўйича мамлакат биринчилигида саксон нафарга яқин истеъдодли ёш спортчи ғолиблик учун куч синашди.

АНАСТАСИЯЛАР — ЧЕМПИОН

Ўн икки ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги яқалик беллашувларида Анастасия Хабибулина биринчи ўринни эгаллади. Истеъдодли спортчи жуфтлик беллашувларида ҳам Севара Бобоқулова билан бирга шохсупаннинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

13-15 ёшли спортчиларнинг яқалик беллашувларида Анастасия Здрайковскаяга етадигани топилмади. У жуфтлик беллашувларида Шохида Зоҳидова билан бирга иккинчи мартаба шохсупаннинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

16-18 ёшларда баҳсида Анастасия Рўзметованин чикиши ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди. Чемпион қиз жуфтлик беллашувларида ҳам жамоадoshi Динара Иброҳимова билан бирга олтин медалга сазовор бўлди.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ, ЎЗА мухбири.

Пирамида топилди

Миср археологлари бундан тахминан 200 йил аввал йўқолган пирамидади топишди. Мутахассислар унинг ёшини тўрт минг йил, деб эътироф этишмоқда.

Аслида ушбу пирамидани 1842 йили немис археологи Карл Рихард Лепсиус аниқлаган. У Қоҳирага яқин Саққара шаҳрида усти йўқ пирамида мавжудлигини ва 29 қақами билан рақамлагани ҳақида ўз кўндаликларида ёзиб қолдирган. Унда айтили-

шича, пирамиданин фақат асоғина сақланган қолган. Йиллар ўтиши билан немис олимни томонидан аниқланган тарихий обида кўм барханлари тағида қолиб кетди. Археологлар топган пирамида эса айнан К.Лепсиус тасвирлаган кўринишга эга.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Advertisement for NURON servers and computers. Text: "Успех-дело техники!", "FUJITSU COMPUTERS SIEMENS", "NURON", "Всемирная гарантия 3 года", "Серверы и компьютеры для решения любых задач", "Производительность", "Сделано в Германии", "Товар сертифицирован".

Large advertisement for PerfectumMobile. Text: "ДИҚҚАТ: АКЦИЯ!", "ФАҚАТ ИЮЛЬ ОЙИДА УЛАНГАНЛАР УЧУН!", "Мистер Бонус!", "ЙИЛ ОХИРИГА ҚАДАР!", "ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ БАРЧА ҚЎНГИРОҚЛАРГА", "+1200 БЕПУЛ ДАҚИҚАЛАР", "Бонус ортиқча бўлмайди", "PerfectumMobile (8598) 305-1111".

Advertisement for BERСAЛЬ linoleum. Text: "BERСAЛЬ", "МИР обоев", "Edison", "Российский линолеум", "Тел. 234-48-11", "Факс 234-49-58", "Товар сертифицирован. Форма оплаты — любая.", "Установка и ремонт кондиционеров", "«ЗИМА-ЛЕТО» СПЛИТ-СИСТЕМА", "ПРОЕКТИРОВАНИЕ. МОНТАЖ. ПОСЛЕГАРАНТИЙНОЕ ОБСЛУЖИВАНИЕ. Работаем по всей территории РУ", "357-83-00, 128-04-02, 167-95-49".

Footer section with contact information. Text: "Халқ сўзи Народное слово", "Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ", "2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бююртма Г — 656. 26421 нухсада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2", "ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.", "Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Мухаммадала Бегмуратов томонидан саҳифаланди.", "Манзиллимиз: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров. Навбатчи — Ф. Санаев. Мусаҳҳах — Х. Тошхўжаев.", "«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.30. Тошхирлиди — 03.45. 1 2 3 4 5 6 8".